

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.
2. The Future of Jobs 2018. – URL: <http://reports.weforum.org/future-of-jobs-2018/>
3. Беккер Г. Человеческий капитал (главы из книги). Воздействие на заработки инвестиций в человеческий капитал [Текст]. / Г.Беккер. // США: экономика, политика, идеология. № 11. Ноябрь 1993 г. С. 19-145.
4. Эдвинсон Л. Интеллектуальный капитал. Определение истинной стоимости компании. / Л.Эдвинсон, М.Мэлоун. // Новая постиндустриальная волна на Западе. Антология. / Под. ред. В.Л.Иноземцева. – М.: Academia, 1999.
5. Гречко М.В. Человеческий капитал как интенсивный фактор развития отечественной экономики в условиях глобальных изменений. Национальные интересы: приоритеты и безопасность. 2013. № 27.
6. Бурцева К.Ю. Управление человеческим капиталом в интересах инновационного развития предприятия. Монография. – Тольятти: Изд-во ТГУ, 2013.
7. Кирьянов Д.А. Методы оценки человеческого капитала: анализ объективности и достаточности исходных данных. Теория и практика общественного развития. 2011. № 3.
8. Юртайкин Е. Особенности развития интеллектуальных работников. / Е.Юртайкин. // Управление человеческим потенциалом. 2005. № 2.
9. Абдурахманов К.Х. Развитие человеческого капитала в инновационной экономике. // “Меҳнат иқтисодиёти ва инсон капитали” илмий-электрон журнали. 2022 йил, махсус сон.
10. Очлов О.И. Инсон капиталига қилинган инвестициялар таҳлили методологиясини такомиллаштириш. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. // Илм-фан журнали. 2022.
11. Томас А. Стюарт. Интеллектуальный капитал: новый источник богатства организации. – Поколение, 2007. – 368 с.
12. Мельников Р.М. и др. Эффективность инвестиций в человеческий капитал в современных условиях. – М.: Проспект, 2019. – 352 с.
13. Афанасьев А.Н. Как оценить инвестиции в персонал. // Финансовый директор. 2004. № 6. С. 78-83.
14. Denison E. The Sources of Economic Growth in the United States and the Alternatives before us. – N.Y.: Committee for Economic Development, 1962. – 298 p.
15. Кирьянов А.В. Виды инвестиций в человеческий капитал и их эффективность. // Корпоративный менеджмент. 2011. URL: <http://www.cfin.ru/bandurin/article/sbrn07/08.shtm>.
16. Сюрин Т.С. Инвестиции и человеческий капитал. // Научно-практическая конференция МГТУ. 2011. URL: http://www.mstu.edu.ru/science/conferences/11ntk/materials/section11/section11_16.html
17. Добровинский А.П., Демьяненко Ю.В. Оценка человеческого капитала в деятельности коммерческих организаций. Известия Томского политехнического университета. 2011. Т. 319. № 6.



**КИЧИК БИЗНЕС СЕКТОРИГА ЖАЛБ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР
ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Нематуллоев Сухроб Собирович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
катта ўқитувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a15

Аннотация. Ушбу илмий мақолада мамлакатимиздаги кичик бизнес корхоналари фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш ва мазкур секторга жалб этилган инвестициялар таркибини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Мавжуд муаммолар аниқланиб, уларнинг ечими бўйича муаллифлик қарашлари асосланган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, инвестиция, инвестициялар таркибий тузилмаси, инвестицион ресурс, инвестиция сиёсати, асосий капитал, “Тармоқ + ҳудуд”.

**УЛУЧШЕНИЕ СОСТАВА ИНВЕСТИЦИЙ, ПРИВЛЕКАЕМЫХ
В СЕКТОР МАЛОГО БИЗНЕСА**

Нематуллоев Сухроб Собирович -
Старший преподаватель Ташкентского
государственного экономического университета

Аннотация. В данной научной статье рассматриваются эффективное использование инвестиций в деятельности предприятий малого бизнеса в нашей стране и вопросы совершенствования структуры инвестиций, задействованных в этом секторе. Выявлены существующие проблемы и обоснованы авторские взгляды для для решения.

Ключевые слова: малый бизнес, инвестиции, структура инвестиций, инвестиционный ресурс, инвестиционная политика, основной капитал, “отрасль + территория”.

IMPROVING THE COMPOSITION OF INVESTMENTS ATTRACTED TO THE SMALL BUSINESS SECTOR

Nematulloev Sukhrob Sobirovich -*Senior lecturer of the Tashkent State University of Economics*

Abstract. This scientific article considers the effective use of investments in the activities of small businesses in our country and the improvement of the structure of investments involved in this sector. The existing problems have been revealed and the author's views on their solution have been substantiated.

Keywords: small business, investments, investments structure, investment resource, investment policy, fixed capital, "sector + territory".

Кириш. Жаҳон иқтисодиётида кичик бизнес субъектлари фаолияти тобора ривожланиб, республиканинг миллий ва жаҳондаги рақобатбардошликни таъминлашда энг муҳим жиҳати бўлиб бормоқда. Кичик бизнес фаолиятининг юқори самарадорлиги кўплаб омиллар билан бир қаторда инвестициялардан самарали фойдаланишга ҳам боғлиқ. Ўз кўламининг ихчамлиги ва маълум тарзда чекланганлигидан келиб чиқувчи фаолият юритиш хусусиятлари кечик бизнесга инвестициялар киритиш жараёнини кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга эҳтиёжни кучайтиради. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида кичик бизнеснинг инвестиция фаолиятини самарали юритишда турли восита ва дастакларни ўз ичига олувчи механизмларни шакллантириш ҳамда замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам ривожланган давлатларда тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 70-75 фоизни ташкил этади ва иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг асосий қисми тадбиркорлик субъектларида банд аҳоли ташкил қилади, жумладан Японияда – 70 фоизни, АҚШда – 80 фоиздан кўпроқ қисмини ташкил қилади[1].

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тизимли қўллаб-қувватлаш, бизнес муҳитининг яратилиши натижасида кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрни тобора мустақамланиб бормоқда. "Бизнес муҳит яхшилангани натижасида 2021 йилда тадбиркорлар томонидан 55 мингдан ортиқ бизнес учун бинолар қурилган. Тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлар сони 5 мингтага кўпайиб, 26 мингтага етган"[2]. Кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда энг муҳим йўналишлардан бири кичик бизнес корхоналари инвестиция фаолиятини кенгайтириш, унинг инвестиция ресурслари манбасини диверсификациялаш ҳисобланади. Бу каби вазифаларнинг самарали амалга оширилиши кичик бизнес кор-

хоналарини молиялаштириш, жумладан, инвестицион кредитлаш, кичик бизнес корхоналари инвестиция дастурлари самарадорлигини ошириш, турли даражадаги инвесторлар манфаатдорлигини уйғунлаштириш, кичик бизнес субъектлари инвестиция муҳитини такомиллаштириш масалаларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади.

Адабиётлар таҳлили. Мавзу юзасидан мамлакатимиздаги иқтисодчи олимлардан, У.В.Гафуров ўзининг тадқиқот ишида, "кичик бизнеснинг ишловчилар сони жиҳатдан мезонларини белгилашда кўп ҳолатларда унинг назарий асослари эътибордан четда қолмоқда. Натижада турли мамлакатларда қўлланилаётган мезонлар "қуриқ" статистик аҳамият касб этиб, кичик бизнес соҳасининг иқтисодий моҳиятини акс эттира олмайди" деган фикрларни илгари суриб, кичик бизнеснинг ишловчилар сони жиҳатдан мезонларини белгилашда 3 та асосий ёндашувни тавсия этган.

Булар:

- ишчи кучининг сўнгги қўшилган маҳсулотидан келиб чиққан ҳолда белгилаш;
- "корхонанинг минимал самарали кўлами" концепциясига кўра белгилаш;
- корхона ходимлари сонини "функционал жиҳатдан комплектлаш" концепциясига кўра белгилаш каби ёндашувларни тавсия этган[3].

Мавзу юзасидан хорижлик олимлардан, Стефан Сристиан Гхергҳина, Михаи Алехандру Ботезату, Алехандра Ҳоссу, Лилиана Ницолета Симионеску каби бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг хулоса беришича кичик ва ўрта бизнес корхоналар маҳаллий иқтисодий ривожланиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш ва иқтисодий ўсишда муҳим рол ўйнайди, бироқ улар кўплаб молиялаштириш тўсиқларига дуч келишади. Жорий мақоланинг мақсади 2009-2017 йиллар мобайнида Руминия корхоналари, айниқса кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун айланма билан ўлчанадиган инвестициялар ва инновацияларнинг ҳудудий иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганишдир. Бир нечта ўзгарувчили логлог чизиқли регрессия моделлари орқали баҳолаш натижасида инвестицияларнинг айланма маблағларга ижобий таъсирини эмпирик исбот-

лайди. Ижобий боғлиқлик миллий даражадаги барча корхоналар учун ҳам, микро, кичик, ўрта ва йирик компаниялар учун ҳам эмпирик тасдиқланган. Инновацияларга сарфланган инвестицияларга келсак, барча корхоналар ва айниқса йирик компаниялар учун айланма маблағларга ижобий таъсир кўрсатади, бироқ кичик ва ўрта бизнес корхоналарида статистик жиҳатдан аҳамиятли алоқалар йўқ. Фирма ҳажмининг товар айланмасига таъсири кичик фирмалар билан бир қаторда миллий даражадаги барча корхоналар учун ижобий бўлган. Шунингдек, баҳоланган натижалари микро фирмалар сонининг худудий иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини кўрсатади[4].

Шуо Хуангнинг фикрича, Хитойнинг ҳар бир провинция даражасидаги шаҳардаги “fin-tech” фирмалари сонидан фойдаланиб, унинг ривожланишини ўлчаш учун ушбу тадқиқот “fin-tech”нинг кичик ва ўрта бизнеслар инвестиция самарадорлигига таъсирини ўрганади. Натижалар кўрсатадики, “fin-tech” ривожланиши маҳаллий кичик ва ўрта бизнесларнинг инвестиция самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин. Фарқ-фарқ (difference-in-difference) ва инструментал ўзгарувчилар эконометрик методиди баҳоланганда ушбу натижалар турилча тобе ўзгарувчилар, фирмаларга ҳамда даврга доир таалуқли фиксирланган эффектлар ҳисобга олганда ҳам соғломлик тестларидан ўтказганда ишончлилигини ёқотмаган.

Муаллифларнинг таҳлиллари кўрсатадики, “fin-tech” молиявий институтлар ва кичик ва ўрта бизнеслар ўртасидаги ахборот асимметриясини камайтириш орқали кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришдаги чекловларни енгиллаштирилади ва шу билан уларнинг инвестиция самарадорлигини оширади. Бундан ташқари, “гетерокедасликлик таҳлили кўрсатадики, “fin-tech”нинг кичик ва ўрта бизнесларнинг инвестиция самарадорлигига таъсири кичик хусусий корхоналарда, рақобатдош бўлмаган тармоқларда ва бозорлашуви секин бўлган шаҳарларда кўпроқ намоён бўлади”[5].

Бач Нгуеннинг хулосасига кўра, Кичик бизнес учун инвестициялар муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, жиддий молиявий чекловларга дуч келган кичик корхоналар ўз инвестицияларини фақат ички маблағлар ёрдамида қондира олмайди. Шундай қилиб, ташқи кредитлардан фойдаланиш инвестиция салоҳиятининг муҳим ҳал қилувчи омилдир. Ушбу тадқиқот Вьетнамдаги кичик бизнеснинг турли молиялаштириш манбалари ва инвестициялари ўртасидаги боғлиқликни ўрганади. 11 йилда (2005–2015) 3715 та кичик бизнеснинг панел маълумотлар тўпламидан фойдаланиб, биз фирма инвестициялари молиялаштириш манбаларининг функцияси

эканлиги ҳақидаги дастлабки эмпирик далилларни тақдим этамиз. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, биз инвестициялар бўйича молиялаштириш манбаларининг чексиз тартибини таклиф қиламиз. Инвестицион қийматларнинг ортиб бориши тартиби қуйидагича:

1. Ташқи молиядан фойдаланмайдиган фирмалар.
2. Фақат норасмий молиядан фойдаланмайдиган фирмалар.
3. Расмий ва норасмий молиядан фойдаланмайдиган фирмалар.
4. Фақат расмий молиядан фойдаланмайдиган фирмалар[6].


Сониа Банос-Сабаллеро, Педро Ж. Гарциа-Теруелларнинг тадқиқотида 2011-2014 йиллар давомида янги кичик бизнес корхоналарининг савдо кредитига инвестицияларини таҳлил қилади. Янги ёки энди иш бошлаган корхоналар ташкил этилган фирмаларга нисбатан савдо кредитига кўпроқ сармоя киритганлигини аниқлаймиз. Бундан ташқари, натижалар шуни кўрсатадики, янги фирмаларнинг савдо кредитига сармоялари уларнинг савдо қилишга бўлган қобилиятига ёки ташқи инвестициялардан фойдаланиш имкониятига боғлиқ эмас. Ушбу тадқиқотлар шуни кўрсатадики, янги корхоналар ташкил этилган фирмаларга нисбатан дебиторлик қарзларига кўпроқ инвестиция қилишининг сабаби, тўловларни кечиктириш ёки кредитларини тўлолмайдиган сифатсиз мижозларга кредит бериш билан боғлиқ бўлиши мумкин[7].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, статистик кузатиш, статистик жадвал ва графиклардан, шунингдек статистик ва солиштирма таҳлил усулларидан фойдаланилган. Статистик таҳлил учун Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси статистик маълумотлари олинган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Мамлакатимиздаги кичик бизнес корхоналари фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш энг аввало мазкур секторга жалб этилган инвестициялар таркибини такомиллаштириш масалаларининг кўриб чиқилишини тақозо этади.

Зеро, инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш улар таркибий тузилмасининг ҳолатига боғлиқ (1-расм).

Расмдан кўринадики, агар инвестицияларнинг мамлакат худудлари, иқтисодий тармоқлари, асосий капиталга қўйилмаларнинг технологик тузилиши, йўналишлари, молиялаштириш манбалари бўйича таркибий тузилмаси бозор механизми талаблари таъсири остида, оптимал тарзда шаклланса, у ҳолда инвестициялардан фойдаланиш ҳам самарали бўлади.



1-расм. “Кичик бизнесда инвестиция ресурслари таркибий тузилмаси ҳолатининг улардан самарали фойдаланишга таъсири”[8]

Яъни, мамлакатнинг айрим ҳудудлари ва иқтисодиётнинг айрим тармоқларида инвестицион ресурсларнинг етишмаслиги сезилган паллада, бошқа бир ҳудудларда уларнинг бўш қолиши ҳолатлари юзага келмайди. Бошқа томондан, машина, усқуналар ва хўжалик жиҳозларини сотиб олиш, қурилиш-монтаж ишлари ва бошқа харажатлар ўртасида оптимал нисбат шаклланади. Бироқ бундай ҳолатга иқтисодиётда ҳақиқий бозор муносабатлари амал қилган шароитда эришилади. Иқтисодиётда маъмурий тақсимот дастаклари устувор амал қилган шароитда эса муқаррар равишда ушбу нисбатларнинг бузилиши юзага келади. Шунга кўра, инвестицияларнинг таркибий тузилишини тартибга солишга эҳтиёж сезилади.

Тўғри, кичик бизнесда юқорида қайд этилган жараёнлар йирик корхоналар секторидagi сингари яққол намоён бўлмаслиги мумкин. Бунга қуйидагиларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин:

- алоҳида кичик бизнес корхоналарининг иқтисодиёт у ёки бу тармоғи фаолият кўрсаткичларидаги улушининг у қадар аҳамиятли бўлмаслиги;
- кичик бизнес корхоналаридаги инвестицион фаолият кўрсаткичлари, жумладан, инвестиция маблағлари ҳажмининг нисбатан катта эмаслиги;
- кичик бизнес корхоналари инвестицион фаолиятида хусусий маблағлар салмоғининг аҳамиятли эканлиги ва ҳ.к.



2-расм. Кичик бизнес секторига жалб этилган инвестициялар таркибининг такомиллашуви жараёнлари схемаси[8]

Бироқ эътибордан қочирмаслик керакки, йирик корхоналар секторига жалб этилаётган инвестициялар таркиби давлат томонидан тартибга солиб турилади. Кичик бизнеснинг аҳамиятли қисми эса бу борада нисбатан эркин ҳаракат қилади. Шунга кўра, кичик бизнес секторига жалб этилган инвестициялар таркибининг такомиллашуви жараёнларини қуйидаги расмдаги схема орқали ифодалаш мумкин (2-расм).

Расмдан кўринадики, инвестициялар таркибий тузилмаси шаклланишига объектив ва субъектив тавсифдаги жараёнлар ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, объектив жараёнлар сифатида шуни қайд этиш мумкинки, якка тадбиркор, микрофирма ва кичик корхоналарнинг салмоқли қисмининг фаолияти маҳаллий инвестицион ресурс ҳисобига таъминланади. Шу жиҳатдан, инвестицияларнинг маълум қисми нисбатан “ўтrock”, яъни улар ҳудудлараро инвестицион шароитлар (фойда нормаси, фоиз ставкаси, сифатли инфратузилма, юқори талабли бозорлар, имтиёз ва енгилликлар ва ҳ.к.) таъсирига у қадар берилмаслиги мумкин. Бироқ, шундай ҳолатда ҳам, маълум даражада маҳаллий инвестицион ресурсларнинг юқоридаги омиллар таъсири остида ҳаракатланиши муқаррар.

Инвестициялар таркибий тузилмасининг шаклланишида субъектив тавсифдаги таъсирлар сифатида давлатнинг инвестиция сиёсати доирасида ҳудудлараро нисбатни тартибга солиш, ижтимоий сиёсат, тармоқ сиёсати чоратадбирларини кўрсатиш мумкин.

Кичик бизнес секторига жалб этилган инвестициялар таркибини такомиллаштириш масаласини тадқиқ этишда энг аввало инвестициялар таркибий тузилмасининг шаклланиш жараёнини тартибга солишга эҳтиёж ва имкониятларини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Одатда инвестициялар таркибий тузилмасининг шаклланиш жараёнини 2 хил йўл билан тартибга солиш мумкин:

- 1) бозор механизми дастаклари;
- 2) маъмурий-иқтисодий дастаклар.

Бозор механизми дастаклари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) инвестицион ресурс сарфидан олинган фойда нормасининг эркин шаклланиши;
- 2) фоиз ставкаси;
- 3) юқори талабли бозорлар;

Маъмурий-иқтисодий дастаклар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) сифатли инфратузилма;
- 2) имтиёз ва енгилликлар.

Кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришда мазкур секторга жалб этилган инвестицияларнинг оптимал таркибини шакллантириш муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонда кичик бизнес секторига жалб этилган инвестициялар таркибининг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш учун ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари солиштирма салмоғини таҳлил қиламиз (1-жадвал).

1-жадвал

“Ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари солиштирма салмоғи (фермер ва деҳқон хўжалигисиз; фоизда)” [9]

Ҳудудлар	Йиллар						
	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Ўзбекистон Республикаси	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	2,7	2,2	3,0	3,8	3,2	5,1	5,2
Андижон	3,9	3,8	4,2	4,7	4,7	4,9	5
Бухоро	4,3	3,3	3,6	4,2	5,6	12,2	14,2
Жиззах	4,1	3,1	3,4	3,1	6,3	3,1	3,2
Қашқадарё	2,6	5,1	2,9	2,1	8,6	3,3	4,4
Навой	2,8	2,3	3,4	2,3	2,9	3,4	4,5
Наманган	5,0	7,6	5,2	6,1	7,0	8,1	5,2
Самарқанд	6,5	5,6	7,0	6,9	6,2	7,8	5,6
Сурхондарё	2,6	4,0	3,4	5,7	10,9	8,2	8,5
Сирдарё	3,4	4,5	4,1	3,9	4,2	7,3	7,5
Тошкент	10,3	9,9	11,3	10,0	9,9	7,8	8,1
Фарғона	6,6	5,4	4,8	5,9	6,1	8,3	8,7
Хоразм	3,4	3,3	3,7	2,2	2,9	10,4	11,4
Тошкент ш.	41,8	39,8	39,9	39,1	21,5	10,1	8,2
Ўртача квадратик четланиш	9,8	9,3	9,3	9,1	4,6	4,7	6,2

Жадвал маълумотларидан кўринадики, кичик бизнес корхоналарида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг мамлакатимиз ҳудудлари бўйича солиштирма салмоғида сези-


ларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Агар 2015 йилда республикамизнинг маъмурий маркази Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ушбу кўрсаткич тегишли равишда 41,8 ва 10,3 фоизни

ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб тегишли равишда 21,5 ва 9,9 фоизга қадар пасайган. Бу эса бошқа ҳудудларда инвестициялар солиштирма салмоғининг ошганлиги, яъни инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича тақсимотидаги нотекисликнинг пасайганлигидан дарак беради.

Бу борадаги рақамлар ёрдамида янада аниқроқ ифодалашга ҳаракат қилинса, ҳудудлар бўйича инвестицияларнинг тақсимланиш даражасини ўртача квадратик четланиш орқали баҳолаш мумкин. Жадвал маълумотларидан кўринадики, ўртача квадратик четланишнинг қиймати 2015 йилда 9,8, 2016 ва 2017 йилларда 9,3, 2018 йилда 9,1, 2019 йилда 4,6 ни ташкил этган. Таҳлил даврида ҳудудлар бўйича инвестицияларнинг тақсимланиш даражасининг ўртача квадратик четланиши 2 баравардан кўпроқ қисқарган.

Бироқ, ушбу ўзгаришлар мамлакатимиз кичик бизнес корхоналарида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши ўзининг оптимал даражасига етди, деган хулосани аниқламайди. Ҳолбуки, Навоий ва Хоразм (кичик бизнес корхоналари асосий капиталига киритилган жами инвестициялар ҳажмининг 2,9 фоизи), Сирдарё (4,2 фоиз) вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси (3,2 фоиз)да мазкур кўрсаткич салмоғи жуда пастлигича қолмоқда.

Шунга кўра, фикримизча, ушбу вилоятлар кичик бизнес корхоналаридаги асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини ошириш учун “тармоқ + ҳудуд” кесимидаги кичик бизнес корхоналари инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (3-расм).



3-расм. “Тармоқ + ҳудуд” кесимидаги кичик бизнес корхоналари инвестиция дастурлари[8]

Мазкур ҳудудлардаги кичик бизнес корхоналари асосий капиталига инвестициялар солиштирма салмоғининг кичиклигига ҳудуд иқтисодиётида кичик бизнес фаоллигининг ҳамда ҳудуд аҳолиси инвестицион салоҳиятининг пастлиги сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатда мазкур корхоналар инвестиция фаолиятини бевосита давлат ёки ҳудуд иқтисодий дастурлари орқали қўллаб-қувватлаш самарадорлиги пасайиб кетади. Шу боис, амалдаги ҳамда кейинги босқичларда ишлаб чиқиладиган ҳудуд ва тармоқ инвестиция дастурларида мақсадли инвестициялар улусини ошириш лозим.

Мазкур дастурларнинг аҳамиятли жиҳати, уларда шакллантирилаётган инвестиция объектлари мазкур маблағларнинг маълум қисмини турли кўринишдаги иқтисодий ҳамкорликлар (масалан, давлат-хусусий шериклиги, кооперацион ҳамкорлик, субпудрат, давлат буюртма-

сининг бир қисмини бериш, тижорат ҳамкорлиги, ва ҳ.к.) асосида кичик бизнес корхоналарига ўтказилади.

Юқоридаги механизм маълум даражада кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари солиштирма салмоғи паст бўлган иқтисодий фаолият турларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин (2-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил даврида кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари солиштирма салмоғи саноат тармоғида энг юқори кўрсаткичга эга (48,3 – 61,6 фоиз оралиғида) бўлса, кейинги ўринларни савдо (7,5 – 16,6 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (4,8 – 10,7 фоиз), қурилиш (6,2 – 10,8 фоиз), ташиш ва сақлаш (3,6 – 6,3 фоиз) тармоқлари эгаллаган.

“Тармоқлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари солиштирма салмоғи (фермер ва деҳқон хўжалигисиз; фоизда)”[9]

Иқтисодий фаолият турлари	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан:							
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4,8	4,9	5,0	10,7	7,3	8,2	8,3
Саноат	48,3	51,0	57,1	50,2	61,6	50,4	51,2
Қурилиш	10,8	7,3	6,2	6,3	9,3	19,5	20,4
Савдо	16,6	15,7	11,7	11,2	7,5	8,5	8,6
Ташиш ва сақлаш	5,1	6,3	4,5	3,6	3,6	1,4	1,3
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2,1	2,3	1,8	2,0	3,0	2,3	2,6
Ахборот ва алоқа	0,8	0,8	0,7	0,6	0,4	0,4	0,5
Молиявий ва суғурта фаолияти	0,5	0,5	1,0	0,2	0,1	0,2	0,2
Таълим	0,2	0,2	0,1	0,2	0,2	0,4	0,5
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	2,0	2,2	2,1	1,6	1,2	2,2	2,7
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	0,7	1,2	0,4	3,0	0,3	2,1	1,7
Бошқа турлари	8,2	7,6	9,4	10,6	5,5	4,6	2

Бу ўринда тармоқ ва соҳалар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари солиштирма салмоғининг кескин фарқланишида битта асосий жиҳатни назарда тутиш лозим. Ишлаб чиқариш тавсифига эга бўлган (масалан, саноат, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ва қурилиш каби) тармоқлар ҳамда хизмат кўрсатиш тавсифига эга бўлган тармоқлар ўзининг инвестиция сифими жиҳатидан катта фарқ қилади. Қолаверса, ижтимоий соҳа объекти ҳисобланувчи (масалан, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, санъат, кўнгил очиш ва дам олиш бўйича хизматлар) ҳамда махсус лицензия талаб этувчи (масалан, ахборот ва алоқа, молия-

вий ва суғурта фаолияти) тармоқларда инвестиция қўйилмалари соф бозор механизми (яъни, талаб ва таклиф) асосида ҳаракат қилмайди. Шундай экан, мазкур жиҳатларнинг “Тармоқ + ҳудуд” кесимидаги кичик бизнес корхоналари инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда эътиборга олиншини таъминлаш зарур.

“Кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида кичик бизнес секторига жалб этилган инвестициялар таркибини янада мақбуллаштириш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу борада вужудга келган вазиятни қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (3-жадвал)”.

“Технологик таркиби бўйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари солиштирма салмоғи (фермер ва деҳқон хўжалигисиз; фоизда)”[9]

Технологик таркиби бўйича	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан:							
Машина, ускуналар ва хўжалик жиҳозларини сотиб олишга инвестициялар	78,3	79,5	76,2	73,9	74,4	73,6	70,5
Қурилиш-монтаж ишлари	19,8	19,1	21,3	4,5	21,3	22,3	25,4
Бошқа харажатлар	1,9	1,5	2,5	21,6	4,3	4,1	4,1

Ушбу жадвалда қайд этилган асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг асосий қисми – машина, ускуналар ва хўжалик жиҳозларини сотиб олишга инвестициялар нисбатан тушунарли ҳисобланади. Айти пайтда у салмоғи жиҳатидан ҳам нисбатан аҳамиятли ҳисобланиб, таҳлил даврида барча инвестицияларнинг $\frac{3}{4}$ қисмини ташкил этган.

“Қурилиш-монтаж ишлари бино ва иншоотларни қуриш, шунингдек, технологик тизим

ва асбоб-ускуналарни монтаж қилишда бажариладиган ишлардир.

Қурилиш-монтаж ишлари қурилиш ҳамда монтаж ишларига ажратилади. Қурилиш ишларига умумқурилиш ва ихтисослаштирилган ишлар киритилади. Умумқурилиш ишлари (жараёнлари) таркибига қуйидагилар киради:

- ер (тупроқ қазिश) билан боғлиқ ишлар;
- тош ётқизиш ва ғишт териш билан боғлиқ ишлар;
- қурилиш конструкцияларини монтаж қилиш ишлари ва бошқалар.

Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари таркибига қуйидагилар киради:

- санитар-техник ишлар;
- электр монтаж ишлари.

Монтаж ишлари таркибига технологик қувур ўтказмалари, асбоб-ускуналар, назорат-ўлчов аппаратларини монтаж қилиш каби-лар киради”[10].

Жадвалдан кўринадик, таҳлил даврида қурилиш-монтаж ишларига жами инвестицияларнинг 4,5 фоиздан 21,3 фоизига қадар қисми сафарбар этилган.

Тўғри, кичик бизнеснинг хусусиятли то-мони – мазкур соҳа фаолияти учун у қадар

йирик қурилиш ва иншоотларнинг талаб этил-маслиги ҳисобланади. Ва, айти пайтда яна бир тескари ҳолат – кичик бизнесда машина, асбоб-ускуна ва хўжалик жиҳозларини нисбатан тезроқ янгилан туриш тақозо этилади.

Бироқ, шунга қарамай, инвестиция дас-турларини шакллантиришда технологик таркиб элементларига ўзаро яхлит ва уйғун тизим си-фатида қаралишини таъминлаш лозим.

“Худди шунга ўхшаш ёндашув йўналиш-лар бўйича кичик корхоналар ва микрофирма-ларнинг асосий капиталга киритилган инвести-циялари солиштирма салмоғи орқали намоён бўлади (4-жадвал)”.

4-жадвал

“Йўналишлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари солиштирма салмоғи (фермер ва деҳқон хўжалигисиз; фоизда)”[9]

Кўрсаткич	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан:							
Янги қурилиш	16,7	21,3	20,3	23,4	27,5	33,4	38,2
Кенгайтириш, қайта тиклаш, модернизация ва техник қайта қуроллантириш	44,1	40,7	47,6	43,3	41,5	42,3	44,3
Бошқа харажатлар	39,1	38,1	32,2	33,3	31,0	24,3	17,5

Жадвалдаги йўналишлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий ка-питалга киритилган инвестициялари солиш-тирма салмоғидан кўриш мумкинки, бу ўринда асосий капитални кенгайтириш, қайта тиклаш, модернизация ва техник қайта қуроллантириш аҳамиятли ўрин тутмоқда (40,7 фоиздан 47,6 фоизгача). Янги қурилишга сарфлар нисбатан

паст бўлиб (16,7 фоиздан 27,5 фоизгача), бунинг сабаби сифатида юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларни кўрсатиш мумкин.

Яна бир йўналиш сифатида молиялашти-риш манбалари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга кири-тилган инвестициялари солиштирма салмоғини кўриш мумкин (5-жадвал).

5-жадвал

“Молиялаштириш манбалари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари солиштирма салмоғи (фермер ва деҳқон хўжалигисиз; фоизда)”[9]

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Асосий капиталга инвестициялар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан:							
Корхонанинг ўз маблағлари	55,6	55,7	52,5	42,7	19,9	30,4	30,6
Чет эл инвесторлари маблағлари, уларнинг реинвестицияларини қўшган ҳолда	5,1	10,2	6,3	11,9	47,6	35,6	39,2
Чет эл кредитлари	7,8	2,2	3,5	5,0	15,1	12,1	13,6
Банк кредитлари	26,2	25,6	33,4	37,4	15,8	15,2	15,3
Бошқалар	5,3	6,3	4,5	3,1	1,6	6,7	1,3

Жадвал маълумотларидан кўринадик, таҳлил даврида асосий капиталга инвестицияларни молиялаштириш манбаи сифатидаги кор-хонанинг ўз маблағлари деярли 2,8 марта, банк кредитлари 1,7 марта қисқарган. Аксинча, реин-вестицияларни қўшган ҳолдаги чет эл инвес-торлари маблағлари 9,3 марта, чет эл кредитла-ри 1,9 марта ошган. Яъни соҳага чет эл инвести-ция ва кредитларини жалб этиш салмоғи ош-ганлиги сабабли корхонанинг ўз маблағлари ва

тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш салмоғи қисқариб бормоқда. Бунинг ижобий то-мони шундаки, чет эл инвесторлари ўз маблағ-ларининг самарали сарфланишини мунтазам равишда ва тўлиқ назорат қилиб турадилар. Бу эса, умумий ҳолда кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланишга ундовчи дастаклардан бири ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш

лозимки, инвестицияларнинг мамлакат ҳудудлари, иқтисодиёт тармоқлари, асосий капиталга қўйилмаларнинг технологик тузилиши, йўналишлари, молиялаштириш манбалари бўйича таркибий тузилмаси бозор механизми талаблари таъсири остида, оптимал тарзда шаклланса, у ҳолда инвестициялардан фойдаланиш ҳам самарали бўлади. Мамлакатимиз кичик бизнес корхоналаридаги асосий капиталга киритилган

инвестициялар ҳажмини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган “тармоқ + ҳудуд” кесимидаги кичик бизнес корхоналари инвестиция дастурларининг изчил равишда амалга оширилиши бу борадаги энг самарали йўллардан бири ҳисобланади. Амалдаги ҳамда кейинги босқичларда ишлаб чиқиладиган ҳудуд ва тармоқ инвестиция дастурларида мақсадли инвестициялар улушини ошириш лозим.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жаҳон банкининг статистик маълумотлари. www.worldbank.org
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 22 августдаги тадбиркорлар билан очиқ мулоқотидаги нутқидан. <https://president.uz/uz/lists/view/5449>
3. Гафуров У.В. “Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2017 й. 16-бет.
4. Ștefan Cristian Gherghina, Mihai Alexandru Botezatu, Alexandra Hosszu, Liliana Nicoleta Simionescu “Small and Medium-Sized Enterprises (SMEs): The Engine of Economic Growth through Investments and Innovation” “Economic and Business Aspects of Sustainability” (ISSN 2071-1050) 2020, 12(1), 347; <https://doi.org/10.3390/su12010347>
5. Shuo Huang “Does FinTech improve the investment efficiency of enterprises? Evidence from China’s small and medium-sized enterprises” “Economic Analysis and Policy” Volume 74, June 2022, Pages 571-586 journal homepage: www.elsevier.com/locate/eap
6. Bach Nguyen “Small business investment: The importance of financing strategies and social networks” “International Journal of Finance & Economics” Volume27, Issue3 July 2022 Pages 2849-2872
7. Sonia Baños-Caballero, Pedro J. García-Teruel “Investment in trade credit in small business start-ups: evidence from Spain during a financial crisis” “Applied Economics” Published online: 28 Jun 2022
8. Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.
9. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.
10. Строительно-монтажные работы. - <http://stolichniy.kz/building>